

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАХСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 49 015,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 107,1 фоизга тенг бўлди.

2020 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 126,9 фоизни ташкил қилди.

Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 48 747,0 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 фоизга юқори бўлди.

Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		ўсиш суръати, % да
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи худудий маҳсулот, жами	36 052,8	49 015,1	107,1
<i>ишу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	34 967,2	48 093,6	107,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	1 085,6	921,5	107,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	34 967,2	48 093,6	107,1
Қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги	5 756,6	6 896,1	103,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	24 729,4	36 137,5	109,1
саноат	23 248,9	34 241,3	109,4

	млрд. сүм		ўсии суръати, % да
	2019 йил	2020 йил	
қурилиш	1 480,5	1 896,2	105,3
Хизматлар	4 481,2	5 060,0	101,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 148,9	1 239,1	97,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	718,5	815,9	104,4
бошқа хизматлар	2 613,8	3 005,0	102,3

**Январь-декабрь ойларида ялпи худудий маҳсулотнинг
тармоқлар таркиби, (% да)**

2019 йил




2020 йил



2020 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига ижобий таъсир саноат (109,4 %), қурилиш (105,3 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (104,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хұжалиги (103,1 %), бошқа соҳа хизматлари (102,3 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-декабрга нисбатан 4,0 фоизга камайди.

2020 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (2019 йил январь-декабрь, % да)



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва мутлақ ўсиш суръатлари

